

«Аллох учун қилдим ёки қияпман» дейлади. Бу миннатга ўхшайди.

21:20 / 27.04.2016 6389

САВОЛ - Ислом буюрган ибодатларни, амалларни бажараётганда «Аллох учун қилдим ёки қияпман» дейлади. Бу миннатга ўхшайди. Ёки банданинг ибодатлари, амаллари Аллох учун керак, аслида банданинг ўзи учун керакку. Шу фикрдан келиб чиқиб, «Аллох учун қияпман» дейиш ўрнига «Аллох йўлида қияпман» дейилса тўғрироқ бўлмайдими?

ЖАВОБ - Бу ерда луғавий таҳлил кетаяпти, диний истилоҳда, мўмин-мусулмонлар истилоҳида, бир ишни «Аллох учун қилдим» дейиш танқид қилинган. Бу ерда миннат бор, киши ибодат қилса, тақво қилса, зикр қилса, қироати Қуръон қилса ўзи учун қиладику нима учун «Аллох учун қиламан» дейди, буни «Аллохни йўлида қияпман» деса бўлмайдими? деган савол. Одатда диний адабиётда, диний истилоҳда, «Аллохнинг йўлида» деган сўзни хайри-эхсон, моддий хайри-эхсон қилиш учун ишлатилган. Аллохнинг йўлида маросим қилди, Аллохнинг йўлида хайри-эхсон улашди, Аллохнинг йўлида у қилди, бу қилди, масжид қурди ёки бошқа нарсалар айтилади. Ана ибодат деганда намоз ўқиганда, рўза тутганида, қироати Қуръон қилганда ёки шунга ўхшаган бўлганда араб тилида «лиллаҳи» дейди. Буни бизда «Аллох учун» деб таржима қилинган, яъни «Аллохнинг розилиги учун», «Аллохнинг амрини адо этиш учун» дегани. Бу ерда «Аллох учун» деганда «Аллохга олиб ориб бераман, Аллох бунга эҳтиёжи тушиб қараб турибди» деган маъно йўқ. Мўмин-мусулмонлар «Аллох беҳожат Зот» эканлигини каттаю-кичиги ҳаммаси билади. Шунинг учун бир ибодатни қилганда «Аллох учун» қияпман дегани Аллохнинг Зоти учун эмас, Аллохнинг амрини бажариш учун, Аллохнинг розилигини топиш учун қилаётганлигини ҳам яхши билади. Шунинг учун бу нарсани умумий тарзда ишлатиб келинган, ҳамма мусулмон халқларида ҳам бу бор нарса.